

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

САНЪАТИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ
4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989
ҲУЛ
17 ФЕВРАЛЬ
№ 8 (3008)
ЖУМА

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

СССР Женева битимларида мувофиқ равишда аниқ ҳаракат қилиб, совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиб бўлди. Бу мамлакатда биронта ҳам совет солдатлари қолмади.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси илгари Женева битимларини имзолаб туриб, шунга асосланган эдиларки, унда қатнашувчи барча томонларнинг битимларга доир мажбуриятларини аниқ-пухтарубега чиқаришлари бир-бирига қарши курашаётган афғон ғуруҳлари ўртасида узоққа чўзилган можарони тўхтатиш учун ишончли асоси вуқудда келтириши, афғонлар дёбирида тинчликни тиклашда ва умуман региондаги вазиятни барқарор қилишга қўмаклашиши мумкин ва лозим.

Совет Иттифоқи ва Афғонистон Республикасининг амалий йўли афғонлар дёбирида қон тўкишини тўхтатиш ҳамда барча томонларнинг ва можаро қатнашчиларининг ҳақоний манфаатларининг эътиборга олуви ҳазро мақбул ён босишларини излаб топилш учун барча имкониятларни яратди.

Афғонистон Республикаси ҳукумати миллий яраш программасини олға сурди. Бу ҳукумат ҳамма мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларида бўлган қўшилмаган ва бетараф давлат сифатида Афғонистонни қайта тиклаш кераклигини ёқлаб чиқди. Совет Иттифоқи бу гоат муҳим ташаббусларга тўла тўшуниб муносабатда бўлди ва уларни қўллаб-қувватламоқда, чунки барқарор ва раванқ топаётган Афғонистоннинг мавқулидги бизнинг манфаатларимизга ҳам мос бўлиб тушади.

Афғонистондаги ахволнинг қандай тартиб топиши кўп жиҳатдан Женева битимларининг бошқа қатнашчилари Совет Иттифоқидан ва Афғонистон Республикаси раҳбариятидан ўрнак олиш-оламаслигидан, Покистон ва Эрон территорияларида туриб иш қўраётган куролли оппозиция масъулиятини ҳис этиб, ҳалдан ошмиш-ошмаслигидан, фақат зўравонлик категориялари билан фикр юритмаслик қо-

Яқинда Тошкент шаҳрида ҳужжатли фильмлар кинофестивали бошланди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг бош редактори Алишер ШОҒУЛОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги кунда ҳужжатли кино санъатимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Киноҳужжатчилар ҳақиқат ҳужжалигида, маданий ҳаётимизда қўлга киритилмаётган ютуқларни тарғи-

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ

етиш билан биргалликда ечимини кутаётган доллар муаммоларини кўтариб чиқмоқдалар. Шу йил 24 февраль кун ойналган ҳужжатли фильмлар фестивалида киностудиямизда кейинги икки йил давомида яратилган энг яхши асарлар намойиш этилади. Фестивал репертуарида 20 фильм бор. Уларнинг орасида Ерменко, Ҳозиев, Черненко

лиш мавзудаги III қисмли «Алаңга» (сценарийсини Розика Мегабоева ёзган) фильмлари фестивалда илк бор намойиш этилади.

Фестиваль фильмлари Тошкент шаҳридаги Мақсуд Шайхозода номидаги «Искра» кинотеатрларида намойиш этилади.

Мазкур кинофестивални республикамизнинг Самарқанд, Қарши, Андижон ва Фарғона қавм йирик шаҳарларида давом эттиришни мўлжаллаб қўядик.

ЧИМКЕНТДА ЎЗБЕК САНЪАТИ БАЙРАМИ

Шу кунларда қардош Қозғистон ССРнинг Чимкент областида Ўзбекистон Халқ ижодиёти кунлари ўтаётди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги маданий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи Карим АЗИМОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Санъат халқларнинг бир-бирларини яхшироқ тўшунишда, дўстлик ришталарини яна ҳам мустаҳкамроқ боғлашда яхши восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамиз Маданият министрлиги қўшни республикаларда «СССР — ягона уянимиз» турнумида ўзбек халқ ижодиёти кунлари ўтказмоқда. Бугунги кунда Чимкент шаҳрида Тошкент шаҳри ва Тошкент области санъаткорлари келиши.

Халқ ижодиёти кунларида хаваскорлар фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг орасида Ўзбекистон ойнахонлардан ташкил топган «Гулди» Янгийўл шаҳрининг «Заррин япроқлар» фольклор этнографик ансамблири

бор. Сирдарё области районларида ташкил этилган «Шоликор», «Ешлик», «Наврўз», «Дилрабо», «Чўлуқ», «Жиззах гулдасиси», Тошкент области районларининг «Ҳосил», «Наврўз» ашула ва рақс ансамблири кўплаб ажойиб концертлар намойиш этмоқдалар. Шунингдек, қатор вокал-чолғу ансамблири, корейс, қозоқ, турк ансамблири ҳам халқ ижодиёти кунларида иштирок этаётди. Бу галги тadbирда ойнавий ансамбллари кенг ўрин берилган.

Халқ ижодиёти кунлари 19 февралда Чимкент шаҳрида «Фосфорник» заводидан бўладиган якуловчи концерт билан ниҳоятга етди. Унда Ўзбекистон ва Қозғистон ССРнинг санъат усталари, халқ ижодиёти кунлари давомида катта муваффақият қозongan хаваскорлик коллективлари иштирок этадилар.

ҲОЗИРЛИК



16 февралда Ўзбекистон Ёзувчилар союзида забардаст шоир ва драматург, жамоат арбоби Ҳамза Ҳақимовнинг 100 йиллиғи ўтказиш юзасидан «Юбилей комиссиясининг кенгайтирилган йилгилиги бўлиб ўтди» йилгилиги Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Оди Еқубов олиб борди. У юбилейга тайёргарлик бўйича 1987 йилдан бери олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхтади. Тайёргарлик ишларини комплекс тарзда поёнга етказиш мақсадида улкан санъаткор адиб юбилейини ишончли май ойига қадар кечкиртилади. Ҳамзанинг 100 йиллиги бутун совет адабиётининг байрамидир. Шунинг учун ҳам, бу сана алоҳида мавқега, алоҳида аҳамиятга эга. Союз матбуот органларининг раҳбарлари, республика нашриятларининг директорлари, гуманитар илимий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари Х. Ҳ. Нибзийнинг 100 йиллиги муносабати билан белгиланган режалар қандай амалга ошадигани ҳақида батафсил ахборот берилди.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (директор Шайх Усмонов) ва рус ва ўзбек тилларида Ҳамзага бағишланган пакетлар чиқарилиди. Машҳур «Яш», «Шўро» кўшиги СССР халқларининг кенг маданий доирасида тарқатиб қилиниб, соғва нашр сифатида тайёрланди. Ҳамзанинг 100 йиллиги «Сердце поэта» деган китоби (бунга олим М. Қўшоновнинг рисоли) нашр этилди. Ж. Усмоновнинг «Ҳамза қадимжолари» беэилик буклет китоби Ҳамза яшаган, ижод қилган масканлар ҳақида яхши маълумот беради. Шунингдек, Ҳамзанинг ўзбек тилида «Эмоми ирван ва рус тилида «Панжи сирлари» тўпламлари чиқиб арифасида турбди.

«Юдузи» нашриёти Х. Ҳ. Нибзийнинг миниматор китоби ҳамда болаларга бағишланган асарларини, «Еш гвардия» нашриёти эса Ҳамза асарларини ҳамда Л. Қасимовнинг эссеини нашрга тайёрлади. Комил Яшиннинг шоирга бағишланган «Қалб ёлқини» китоби 100 йилликка муносаб соғва бўлади.

УзФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан узоқ изланиш ва тадқиқотлар натижасида тайёрланган ва «ФАН» нашриётида чиқарилаётган Х. Ҳ. Нибзийнинг беш жиллик тўла асарларини нашри тугаллангити.

Йилгилишда сўзлаган Ко-

мил Яшин, Мирмуҳсин, Озод Шарофидинов, У. Хошимов, Ҳафиз Абдусамов, С. Маммажонов, Н. Каримов, О. Матжон, И. Гафуров, Н. Қобул, Б. Назаров, С. Татур, С. Яулдошев, Ҳ. Пирмухамедов улкан адибнинг ҳаёти ва ижодиётини янги тафаккур руҳида бриташи, янги таълиқ қилиш, шу асосда унинг шахси, ижоди моҳиятини юксак даражада батафсил ахборот берилди.

Ҳамза 100 йиллиги таътишуослик ҳамда тил ва адабиёт институти тайёрлаган Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги илмий сессиялар, конференциялар, дера столларини юқори илмий-публицистик савияда ўтказиш зарур. Урта Осиё ва Қозғистон регионидан қизғин урчашувлар, суҳбатлар, ҳамзаонлик кунлари ўтказиш учун таниқли ёзувчи ва олимларнинг бригадаларини тўзиш, Иттифоқ матбуотида теран тадқиқотлар эълон қилиш, Ҳамза асарларини тарғимларини чиқариш — улуғ шоир ижодини тарғиб қилишда катта амалий аҳамият касб этади.

Хуллас, йилгилиш ҳали ҳозирлик ишлари «етарлик фаол олиб борилаётганини қайд этади. Бундай йирик маданий воқеани бугунги савияда ўтказиш катта гайрат, шижоат, жонқурлик, фидокорликни талаб қилади. 100 йиллик ва бизнинг ўз ватанпарварлик, граждонлик бурчимизни қандай ўтаётганимизга ҳам қўя қў бўлади. Бу тарихий сана катта мақомада ўлмоғи, авж пардаларда янграмоғи керак.

НАВОЙИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яхшилик ёмонликни ким қилдикин, ёмон кўрамади. Салоҳу фасод тўхтми ким эттиқин, ўрмади!

Емонликни, ҳавузлиқни фаол қоралаган, ҳаётдаги ноҳақлиқни адолатсизликларга қарши сабот билан курашган улуғ Бобомурод Алишер Навоийнинг муқаддас руҳи ҳар бир ўзбеки, ҳар бир соф иниятли инсонни адолат жангчиси бўлишга ҳамма ҳаётда этиб келмоқда. Бу йилги Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган навбатдаги XXXIII аъна-

шунос олим ва драматург, УзФА мухбир аъзоси Изаат Султон кириш сўзи билан оқди. Профессорлар — А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, Э. Шодиев Алишер Навоийнинг улопик жамият масаласига муносабати, шоир қитъалари, унинг меросини ўрганиш, УзФА мухбир аъзоси Ф. Абдураҳмонов Алишер Навоийнинг тили муаммоларини тўғрисида доқдлар қилдилар, филология фаилари кандидатлари — Е. Исҳоқов, Б. Бафоев, Н. Жумамов, Х. Кудратуллова, У. Тўйчиев эса беназир сўз санъаткорини ижодини бошқа турли масалалари ҳақида сўзладилар.

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети Ҳамза номидаги Ўз-

шартлари билан боғлиқ масалалар тўғрисида республика Министрлар Совети ҳузуридаги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетига қуйидаги адрес бўйича мурожаат этилсин: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 98 Телефон 45-85-20

23 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ ҲАМИША САФДА

Кенг ўрновли, паҳлавон келбатли, қўсини орденомдалар безаб турган бу киши ҳозир олтими тўққиз ёшда. Лекин ҳали бақувват, ёшлардай дадил, ҳамон меҳнат қилади, жамоат ишларида — фаол қатнашади. Унинг — катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, турмушининг ачинч-чучугини тотган Тошпўлат Мирзақобуловнинг умр дафтари ўчмас хотираларга бой.

Гитлерчилар Германияси мамлакатимизга ҳонларча ҳужум бошлаган кунни Бринск шаҳрида пилалар қисмида хиоматда эдим, — деб ҳикоя қилади у уруш йилларини эслаб. — Фашистлар нолю ойда бу шаҳарни босиб олди. Биз шаҳар қирғинидаги ўрмонда икки ой икканжада қўлиб кетдик. Қўршовнинг сўнги кунини меҳнис бронемашиналари ва



«Тигр»лари биз томон даҳшат билан бостириб кела бошлади. Шиддатли жангдан сўнг қамқиллогим Бобомурод Шералев билан бир хандакда қўлиб кетдик. Душман 6 та бронемашинадан ажал ўқини ёғдириб биз томон яқинлашди. Ёндрувчи шишалар билан 3 та бронемашинани ишдан чиқардик. Кўп ўтмай қолган бронемашиналар ва бир танк бизга қарчи ҳужумга ўтди. Бобомурод Шералев қўлига гранаталар боғламини олиб, менга озланди.

Тошпўлат, мен коммунист бўлишни оруз қилар эдим. Мабодо, омон қолсанг, Хужамшентдаги онамга, қамқиллоқларимга болаиб айт, мен коммунист бўлиб яшайми. коммунистчасига ўлмоқдам. Мен онажонимни, Ватанимни жузда севар эдим.

арча дарахтининг тагида тупроққа қоричиб ётибман. Кўп қон йўқотганимни туйфайли жуда ҳолдан тойган эдим. Шунга қарамай йигирма-йигирма беш кун чамаси ўрмон ичида кечаши йўл юриб, кундузи кунлари бекиниб, ўзминикиларни қидирдим. Ниҳоят, бир кунни тунда кичкина қишлоққа келиб, чироқ мийлашлар турган уй эшигини тақиллатдим. Нуроний мўйсафид эшик очди. Унинг уйда 3—4 кун хордиқ чиқариб, куч тўпладим.

Урушдан сўнг жановар дўстимнинг васиятини бажардим. Мушфиқ онасига, ҳамқиллоқларига унинг жасорати ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

Тошпўлат ака Старая Русса яқинидаги жанг олдидан партизга ўтиш учун армия берди. Шу орада ависиз жанг бошланди. Тошпўлат бир неча фашистни ер тишлади. Аммо охириги дақи-

ХАЛҚДАН ҚАРЗИМ КЎП...

115-Тошкент-Ҳамза миллий территориал саялов округидан шоир Абдулла Орипов номзоди рўйхатга олинди.


— Ҳозирча шеърларим билан халқимнинг хизматини қилиб келдим, лекин ундан қарзим кўп, — деди Абдулла Орипов яқинда республика газеталаридан бирининг мухбири билан қилган суҳбатда. Назаримизда, кунни кеча бўлиб ўтган округ саяловлоди йилгилиш шорининг ўзи айтган халқ олдидан қарзларини мумкин қадар узини учун имкон яратди. СССР халқ депутатлари саяловини ўтказувчи 115-Тошкент-Ҳамза миллий территориал саялов округи йилгилишда унинг номзоди рўйхатга олинди.

Пилгилишда мазкур округдан депутатлик номзодалар — 33-хунар-техника билим

ҳар учала номзод ҳам ўзларининг аниқ мақсада, ҳар жиҳатдан мақбул программаларга эна илқиликларини намойиш этишди. Бугунги қайта қуриш, демократия, ошқоралик билан халқимиз ўртасида муҳокама этилаётган иқтисодий-социал муаммолар номзодалар қалбига жуда яқин эканлиғи уларнинг сўзларидан маълум бўлди. Хусусан, депутатликка номзод А. Орипов программаси чўқур социал илдишга асосланган, йилгилишларнинг унинг номзодини тасдиқлашларига катта туртки берди.

— Бугун биз энг шимариб ҳал этмоқчи бўлган муҳим иқтисодий-социал масалаларини А. Орипов ўзининг илк шеърларидан бошлаб кун тартибига қўйган эди, — деди сўзга қатнашчи Вера Федорова. — У қайта қуришни

Ш. ЖАБОРОВ,
Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ



Икром ОТАМУРОДОВ

Сершовкин шаҳрдан чиқиб автобус,
Пул олади сокин кенгликлар сари.
Ҳарорат кўтарилар — қирқ градус,
Елгага ёпишар ўриндиқлари.

Юришга келмайин ҳоли-қуввати,
Лашкардан узилиб қолган ботирдек:
Қаҳроқ биёбоннинг умид сарвати —
Яккам-дуккам улар — кўҳна

Шофёрга бақириб беради дашном —
Иссиқ чидолмай: ҳаққини шўнча?
Тезроқ ҳайда, тезроқ ҳайдагин, ошнам.
Нафас қисди, йўлинг чўзилди бунча?

Чанқаб кетганини боз-боз пеш қилар,
Димоғдор кеккайиб суратга монанд.
Офтобнинг қаҳрини қайдан ҳам билар,
Сояки ерларда ўсган хўрозқанд?!

Офтоб жаҳл билан бошлагандай ҳарб:
Осмон оловга фарқ, ер оловга фарқ.
Оғзи тинмай сўзлар бу корафта Фарб,
Чуқур ўйга ботган — жим, донишманд

Дашт ўртаси. Тўхтар автобус бир пас.
Ғижим ўктагининг барини ёзиб.
Босиқ Шарқ тушар ва термулар бесас,
Соғинган даштларин бағрига босиб.

Қўлида қайчи ушлаб турган одамни
мақтадилар.
Ердан олиб,
кўкка кўтариб,
мақтадилар.

Боғда ўсган турфа гулларини
бир текис қилиб
қайчилгани учун.
Севиниб-севиниб кетди
ўзи ҳам,
ғурурланиб қўйди ишидан.

ҚОЧИШ


Бирдан,
Элғиз сезасан ўзингни,
Жонингга тегади ғийбатхоналар.
Енингга,
шамғалат қилиб кўзингни,
Иғвонгни тўқийди ҳамхоналар.
Дамодам — тинмай телефон
жиринглар,
Трубка — қулоққа тақилган сирга,
Лаб қимтиб тўкилган мазах, ҳиринглар

Ҳидидан хоналар ҳавоси заҳа.
Шубҳа олазарак қўлтиқдан олиб
Панага тортади: шивир-шивирлар.
Ишлар стол узра қалашиб қолиб,
Томирда манфаат гивир-гивирлар,
Бир-бирга иддаа, бир-бирга тўнглик,
Ишонча санчилиб чопар хавотир.
Бу хоналарга, ҳеч сизмайди кенглик,
Бу хоналарга, меҳр ҳам ётди,
Кўрасан: ҳар куни буларни бир хил,
Чидолмайсан сира бундай дов-дастга.
Одам — нодон.
Одам — ғўр.
Одам — разил.

Билиб туриб ўзин ташлайди пастга.
Толиқасан,
чарчайсан ҳаммасидан,
Секин,
қўл силтаб турасан барига.
Бўғилиб хоналар дим ҳавосидан,
Ўзингни урасан кенглик бағрига.

ҚУРҚОҚ

Қачон,
қаерда,
етса унга сўз айтиш гали,
сек-и-ин туради ўрнидан,
қарайди тўрт томонига
зимдан —
бир назар солиб,
Кейин:
«Айтилган барча гапларга
қўшиламан», —
дейди-ю,
бирдан ўтириб олади жойига
ва кўкрагини тўлдириб-тўлдириб,
чуқур-чуқур ютади ҳавони.



Гулчехра МУРОДАЛИЕВА

ҲАЁТ

Рост Ҳаёт! Елгон Ҳаёт! —
Ортимда қолгон Ҳаёт!..
Кудриб ҳам куйдуриб
Домига олгон Ҳаёт!..

Шаън Ҳаёт! Шабама Ҳаёт! —
Ҳам Умид, ҳам Ғам Ҳаёт!
Дил ишқиде қонмаса,
Бир умр мотам Ҳаёт!..

Қон Ҳаёт! Қондош Ҳаёт! —
Жонингга жондош Ҳаёт!
Улим қолса қафлатда,
Эҳ!.. — унга ёндоз Ҳаёт!..

Баттол Ҳаёт! Қаттол Ҳаёт! —
Елғиз, қадди дол Ҳаёт!
Минг бор жоним тилгунча,
Ол, — жонимда қол, Ҳаёт!

Саҳар, сендан умидларим кўп.
Саҳар, менсиз ўтиб кетмагин.
Сенинг оппоқ, ёрқин, беғубор
Кўзларингга ҳали тўймадим!..
Саҳар, сендан умидларим кўп...

Андуҳлардан қародир тунарлар.
Оқибатсиз ўтади кунлар...

Фақат сени эсламоқ яхши —
Сен — тасқинсан,
Умрининг нақши.
Саҳар, менсиз ўтиб кетмагин...

Азобларим кет деб қувмасман.
Дарларимни сенга бермасман.
Мен заминда энди қолмасман...

Мени кўзларингда олиб кет,
У безавол маконингга элт! —
Саҳар, сендан умидларим кўп...

УМР

Шамолдай кетмагин олиб —
гулларнинг бўйлари қолсин...
Суйласа ўзидан тониб
бу жонни ганимлар олсин!
Шамолдай кетмагин олиб...

Утлоқлар шивирлар ҳоргин —
кундузги ўйлардан холи.
...Қўй, энди бағирни тилма,
тунимнинг ханжари — ойи.
Шамолдай кетмагин олиб...

Бу дунё фониёидир — қолар.
Яшаш бир онийдир — қолар.
Қуёшдан аксини топмай
қуйган ҳам куймаган — қолар.
Сен мени олиб кет!
Олиб...

Ойнинг нури кўксимни тиглар, —
Ўйларимдай кўзи паршион.
Она, нечун юзларинг йиғлар?
Бугун асло ўлмайман, ишон...
Ўйларимдай кўзи паршион.

Деразамдан райхонлар кирар,
Қуйлар тонгин келтирган шамол:
Узоқларда кимдир соғинар...
Она, энди ўлмасман, ишон!
Деразамдан райхонлар кирар...

...Ахир, нечун юзларинг йиғлар?..

Шовдирбой СЕЙТОВ

БАХТ

Айтинг дўстлар, ким билади, бахт
нима,
Кўпми асли бахтни аниқ кўрганлар?
Иқбол қилсан йироқлардан гоҳ имо,
Қушмиқан деб учрар қувлаб
юрганлар.
Гарчи сенинг кўкка етар дастиг
бор,
Нега бунча тулпорингни тезлайсан?
Айт-чи, дўстим, бахтда нима қасдинг
бор,
Жон ҳолатда нега бахтни излайсан?
Етмадиган деб, зорланасан гоҳида,
Пешонамга кўнса дейсан бахт қуши.
Эртаю кеч юрагининг охида
Фақатгина элғиз бахтингни ташвиши.
Толенигни гоҳ сезмай ҳам қоласан.
Ҳаётсанки, бахт сен билан юрибди.
Иқболданган ўз улушинг олсан.
Сен бахтингни қувлаб юрма, яратгин,
Кўшиқ қилиб жойлай билгин
қалбингга.
Юртигда бахт садоларин таратгин,
Топсанг аяқлиб қилиб бергин
халқингга.

БЕРДАҚ

Бердақ ҳайқалидан юртига боқиб,
Бунчалар ҳаёлга толиб турибди.

Юрагини дардида ёқиб,
Халқининг ваданин олиб турибди.
Қаҳрли қуйлайди дилдаги тори:
Йўқолиб кетса ҳам хоналар,
султонлар.

Эшитган одамнинг келди ори,
Қайдан пайдо бўлди бу беимонлар?!
Халқининг орасидан чиққан нобоплар
Пулга сотиб олиб даврон тахтини,
Айш-ишрат қилишиб не бир
қаллоблар.

Ҳемириб ётдилар халқнинг бахтини.
Амал салтанати — фойда бор жойда.
Ерга сочишдилар не захарларини,
Юртга иншоотлар қурмоққини қайда,
Ютиб юбордилар пойдеворларини.
Ҳарому ҳаришини билмаган каслар,
Эл кўзин олдида борди семириб,
Узанинг ҳақидан кўрқмас нокаслар
Ҳаттоки Оролни кетди симириб.
Яхшим юртини ўйлаганлар бор,
Фидойи мамлакат қўйнида Ватан.
Халқни деб, баландроқ солингилар
жар,

Толеига посбон бўлсин ҳар инсон.
Кўшиқлар тинимсиз жанг қилса
агар.

Шоирлар тап тортмай ҳақини
айтсалар:
Орол шабадаси бағримга тегар,
Ҳикмат уруғидан унар майсалар.

Қорақалпоқчадан
Қамбар УТАЕВ таржималари



Қорақумда қиш

Сергей ТАТУР

БЕПОЁН ДАЛА ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР

олломиятлар. Социал масалаларни ҳал қилишда қонқарилликлар юзага келмоқда, иш-сизлик очик ва ёпиқ формаларда кўзга ташланмоқда. Республика ва иттифоқ министрликлари, корхоналари Ўзбекистонни индустриаллаштиришга кам эътибор бермоқда. Айниқса, кичик шаҳарларимиз ҳамда район марказларимизга экологиямизга, табиатимизга зарар etkazмайдиган замонавий санат корхоналарини ниҳоятда оз қурмоқдалар.

Айни пайтда, республикамизда Жанубий Корея, Малайзия, Тайвань сингари аввал кам тараққий этган ва ниҳоятда оз ишчи синфига эга бўлган мамлакатларнинг кейинчалик қисқа муддат — бир ашад ҳаётга тегиш вақти ичиде маданий-иқтисодий жиҳатдан аниқ коллоққини ениб ўтиб, сонаоти юксак давлатга айланмиш тажрибасини ҳам нагадир ўрганаётмиризи? Ахир бугунги кунда ҳаётда янада олға босиш учун ишларнинг илгор ютуқларидан ўрганиш, яхши ишларидан сабоқ олиш зарурат эканлигини турмушининг ўзи аққол кўрсатмоқда! Шу мақсадда эндиликде иттифоқ ҳукуматидан Фаргона водисиде, Самарқанд ёки Бухороде чет эллар билан алоқа қилувчи муस्ताқил ҳуқуқли корхоналар тузишини талаб этиш

вақти етди. Бу Ўзбекистоннинг меҳнат ресурсларини Шарқ ҳамда Ғарбининг юксак тараққий этган мамлакатларининг янги технологияси ва молиявий маблағлари билан боғлаб, республика тараққийига сезиларли таъсир кўрсатган, аҳолининг турмуш даражасини шубҳасиз оқсатилган бўларди. Ҳўш, ҳозирги пайтда республикамизнинг ўзиде ўзаро ҳамкорлик қилувчи муस्ताқил корхоналар тузиш учун барча имкониятлар мавжудми? Афсуски, йўқ. Лекин муқтақиллик кооперативлар ва кооператорларга яратмиш, ижод қилиш учун чексиз имкониятлар очиб бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда экан, демак, бундай имкониятлар давлат корхоналарида ҳам бўлиши керак!

Мен, айни пайтда, Ўзбекистонда туғилиб ўсган ёшлар ҳам бошқа ёшлар каби барча эркинликлардан бахраманд бўлишини, бу гўзал оламнинг ҳамма эшикларини уларга очиб бўлишини, улар фақат ўз уйлари, юртлари доирасиде қолиб кетмасликларини истардим.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

кон туғдиради ҳамда контроллини кучайтиради. Барча соҳаларда ҳам тазолашни авж олдириш лозим. Шу тариқа бир пайтлари ҳаётимизга ўрнашиб қолган «партия доҳий учун», деган ақидадан воз кечиб, «партия ҳақ учун» эканлигини амалда исботлаймиз.

Фирқимча, КПСС Уставига ҳам, СССР Конституциясига ҳам мамлакатимизнинг биринчи шахсининг шу лавозимга келиши, унинг раҳбарлик муддати, лавозимдан ўз муддатиде ёки ишчи баҳара олмай қолганда кетиши жараёнилари батафсил ёзилиб қўйилиши керак, деб ўйлайман. Мен ҳам фирқим, овозим Совет Иттифоқининг давлат ва партия раҳбарлигига номзод бўлган инсон учун бирор аҳамият касб этадиган давр келмагачка ишонман.

Яна беитиҳор тарихга мурожаат қилгим келдики: Совет Иттифоқи ўзининг тарихи топан дастлабки кунларидекин инсоннинг яхши яшаш учун буюк яратувчилик йўлидан Борди. 20-йилларда Тошкентде меҳнат биржаларига узундан-узоқ наваб куттишарди, кейин ҳар ким ўзига яраша иш олди. Катта Фарғона канали қурилади, пахта муқтақиллиги таъминланди, Улуғ Ватан уруши давридаги қаҳрамонлиқлари, урушдан кейинги шаҳар ва кишолқор қиёфаларидеги ўзгаришлар, бугунги демократия ҳамда ошкоралик шабадалари — буларнинг ҳаммаси фахримиздир.

Ўзининг ҳам кудуқдан чеклаблас таштаганларим, керосин лампа ёруғиде давр таъйирларимдан, нон ушонини кўрганамда кўзларимдан ёш қалқанларини унутиб бўлармиди — қани, энди улар? Улар ўтмишга айланди. Бизнинг бугунги қайта қуриш даври шу билан кудратлики, у тарихни ҳар хил иллатлардан тазолаб ўтказмоқда. Бунда энг инсоний муносабатлар, ленинча ҳақиқат қайта тикланмоқда.

Шу ўринда ушлар, уларнинг изланишлари ҳақиде тўхталиб ўтмоқчи эдим. Улар бугунги ҳаётга уйғун ҳолда ҳаёт кечиртирилган, қалблари даврга ҳамоҳаз тегишини истардим. Зеро, бу мавзу «Звезда Востока» журналы публицистика бўлимининг доимий темаларидан бирига айланди.

ЭСИМДА, республика Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров шу беш йилликнинг бошида ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясиде сўзга чиқиб, республика ҳукумати бу ерде аҳолининг юксак даражасида ўсиш билан боғлиқ бўлган соқал муаммоларни тез хил қилишни ўз зиммасига олганини айтди, жамоатчиликни иншонтирган эди. У ҳаётга муқтақил қандам қўяётган ишларнинг ҳаммаси учун янги иш жойларини яратмиш деярли гарантия берганди. Агар раҳбарларимизнинг ҳамма ваъдалари турмушимизда табиқ этилиб, улардан баҳраманд бўлганимизда энди, ҳаётимиз қандай гўзал бўларди! Афсуски, вақт деб аталган ҳакам борки, у ваъдаларининг бажарилишини текшириб боради ва асарларин ҳолларда инсон ўз ваъдасининг устидан чиқмасданқоқ маррага етиб келмоқда. Натигада, ёшлар ўзларига зарур иш жойларини

ва у ҳар хил буйруқбозлардан ҳимояланмиш лозим. Акс ҳолда бошланган яхши ишлар ҳам ярим йўлда қолиб кетиб, тараққийнинг олға силжishiго ҳақиқат бериши мумкин.

Ерининг ҳақиқий хўжайинлари бўлган, унга меҳрини берган деҳқонлар ўртасиде янгича ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топиши регионимизда пахта монокультураси ҳақидеги масалени ҳал қилишни янгича асосларда кўриб чиқишни талаб қилди. Чунки Ўзбекистон аҳолиси эндиликде пахта монокультураси республикамнинг ўз-ўзини озик-овқат билан таъминлашга, суғориладиган ерларнинг яхшиланишига ва алмашлаб экиннинг жорий қилинишига ҳақиқат бераётганини тобора аққол ҳис қилмоқдалар. Ҳўш, мамлакатимизга ва Ўзаро Иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо давлатларга қанча пахта толеси керак? Бу ўринде етакчи иқтисодчи олимлар фикри муштарак: Ўзбекистонда пахта етиштиришни қисқартириш, гўшт, мева, ва сабзавотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Жумладан, «Звезда Востока» журналимизда ҳам бу фикрлар тўла қўллаб-қувватланди. Ана шу мавзуда ҳикоя қилувчи, журналимизда эълон қилинган И. Богдановнинг «Ҳақиқат сабоқлари» мақолеси Москвада чиқадиган «Коммунист» журналининг 18-сониде кўчириб босилиши бу мамлакатимизда умумхалқ муҳомадаси даражасиде турганлигини кўрсатди. Ҳўш, кишолқор хўжайинимизда ишлаб чиқаришининг янгича асосиде тенглиги қандай даражада бўлиши керак? Табиқий-ки, бу муаммони ўйлаб, мулоҳаза қилиб, ортиқча ҳиссиётларга берилмай, мамлакат ва республика талабларини ҳам инобатга олиб ҳал этиш шарт.

Улкаимизнинг «Звезда Востока» билан ҳамбарчас болғич, Шу сабадан «Звезда Востока» журналимиз аъзуси С. Залиғиннинг ва бизнинг заруратларимизни тушунишдан узоқ бўлган кенг жамоатчиликнинг бошқа вакилларининг Сибирь суварли Урта Осиёга керак эмас деган фикрларига кескин қарши чиқди. Йўқ, хурматли ўртоқлар, Сибирь суви бизга керак, худам зарур! Фақат у Оролни тўлдиришга ҳақиқий манода ёрдам бериши ва маҳаллий аҳолининг оқилмаган кўриклари бошқартиришга фойдаси тегиши лозим. Бундан ўзгачеки иш юритишининг барча формалариде Сибирь сувини олиб қолмасдан дарёларимиздаги мавжуд суви 100 фойдаси тежаб ишлатганимизда ҳам ўлкада тараққий яна 8—10 йилдан кейин тўхтаган бўларди. Бу ҳалқ орасиде розиликлар янада кучайишига олиб келарди. Шунинг учун Урта Осиёда яшаб, ер билан тиллашадиган ва диллашганини истайдиган халқлар учун сув ҳаммаш етарли бўлиши керак. Бу ўринда бизнинг овозимиз заруратларимиз ва ташвишларимиздан йироқ бўлган нуфузли одамларнинг фикрлари, овозлари соқсиде қолиб кетмаслиги лозим.

Давримиз — халқларнинг тарих, маданият, миллий ўлигини англаб етиш каби бебаҳо кадриятларининг юксалиш даври. Айни пайтда, кўпмиллатли мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар натижасиде асрлар давомиде юксак маданият тарихи топди. Ва у совет даврида ленинча миллий сиёсат принциплари билан бойди. Турли миллат кишиларининг қизиқишлари ва ўзаро бири-бирига ҳурмат-эътиборлари миллатлараро муносабатларини аниқ мазмун билан тўлдиради ҳамда уларни ҳамкорликнинг янги йўлига ундади.

Ўзбекистон заминиде турли миллат кишиларининг ағона оила туғилиши билан ҳамкорликда яшаш тажрибаси чинкам ленинча миллий сиёсат таъинсансидир. Уларни ҳаётнинг ўзидан бошқа ҳеч нарса бу қадар бири-бирига яқинлаштирмаган, мақсад ва вазибаларини ҳал қилишда бириктирмаган, турмуш тарихининг даражасини кўтаришда ҳамкорлигини юзага келтирилмаган бўларди. Бар охири-охирида барча одамларнинг ва ҳар бир инсоннинг — у қайси тилда сўзлашадиган ҳамда руҳий олами қандай миллатнинг юксак маданиятидан баҳраманд бўлганидан қатъи назар — буюк кудратини, имкониятини намоён қилди. Булар — яратувчи оимлардир.

Лекин шу билан бирга ҳаётда поракўрлик, таъмагирлик каби ҳалокатга олиб келувчи оимлар ҳам мавжуд. Унга қарши кураш доҳий Ленин давриндан бошланиб, то бугунги кунда М. С. Горбачев ислоҳотлариде ҳам давом этмоқда. Бироқ шунга қарамай, бундай яшовчан оимлар ҳозирги пайтда миллатлараро — муносабатларда ҳар тарафли бўлмоқда. Шу билан биргаликда ҳар бир халқнинг ўзиде — бундай иллатларини, ҳалокатли оимларини бартараф этувчи, барча миллатлар ҳамкорлигига жонбахш этувчи ўзига хос восита ҳам бор. Миллатлараро сиёсат соқсиде текшириб олиб борганда қизиқилар доирасини барча миллатларга тенг қаратиш, уларнинг ҳар бирининг талаб-эҳтиёжларини алоҳида эътибор билан, текширишлар якунида бирортасига кўпроқ оҳуқ берилиб, бошқаси эса ундан баебхара қолмаслики ана шу воситанинг асосидир.

БУГУНГИ КУНДА мамлакатини соғломлаштириш ва муқтақамлаш дегани, энг аввало, бизни боғлаб турган ҳамкорликларини соғломлаштириш ва муқтақамлаш демакдир. Бу борада олдам қанча имкониятлар бор. Буз бунга эндиғина тушуниб, англаб етиб қадим кўз бошладик. Бу миллий муносабатларимизни муқтақамлашда чинкам боқсик бўлади!

БАСТАКОР ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

А ЖОНИВ ҚУШИҚЧИ МИЗ Ботир Зокиров шундай бир воқеани кула-қамла...

ди ходимлари: «Сизга фикрдошми, тақризнинг бизга маъқул бўлгани учун...

темир қўтига солиб, фильмотеканинг ичкарасига ташлаб қўйдилар (у ҳозир ҳам...

бажарайлик! Бизнинг ўсимтеганинг ичкарасига ташлаб қўйдилар (у ҳозир ҳам...

МЕНИ ҚЎЛГА қалам олишга ундаган нарса газетда баҳс тартида эълон қилинган оркестр ва икром масалаларига бағишланган мақолалар бўлди...



қўшиқчи-композиторлар р и санъат аҳлидан бошқа ҳеч қим билмайди ҳам. Улар — ҳақиқий бастакорларини, халқ ичидан истеъдод билан ёруғ юлдиз каби ярқ этиб кўринган ижодкорларни тани олишмаганини қандай ташуни қиларди?

ХАТОЛАР САБОФИ

лариди ҳаммамиз бенхтёр ўринидан туриб чапак чала бошладик. Бир неча дақиқа давом этган шу тавтали вазиётда, олдинги қаторда ўтирган ҳалиги раҳбар авансаҳнадаги актёрларга ишора қилиб, куломимга шивирлади: «Ботирқон, буларнинг ичиди МХАТ-АКА қисми бери!»

Турғунлик йиллари бошқа соҳалардаги каби кино сивасида ҳам жиддий ҳўқослар бўлганига ишонч ҳўсил қилиш учун ўша даврда республика партия ташкилотиди қабул қилган қарорлар, берилган кўрсатмаларини ҳамда юқори мансабдаги биргина шахснинг хоҳишига биноан яратилган асарларини эслаш kifой. Ахир, «Тошкент — но шаҳри» фильмининг чорак қисми кирдиб ташлангани, «Қалбига қўйиш», «Муҳаббат драмаси» ижодкорларига қаттиқ танбех берилгани, «Лайлак келди, ёз бўлди» каби ленталар эса кенг томошабинлар аудиториясига етарли муддат кўрсатилмагани маълум-қ!

бўлишига тўқсинлик қилмайдими? Мафкура соҳасида ҳаттога йўл қўйилса, ҳатто фактологияда янглишлик бўлса, уни тўғрилаганин икмониди бўлмайди. Ҳар ҳолда, бу нуқсон зарар келтириши мўқаррар. Эҳтимом, радида берилар, ҳатон тўзатиш чоралари кўрилар, комиссиялар тузилар...

Шунда биз ҳам бўлиб ўтган бир воқеани эслаётимиз. Саид Аҳмад ва Шўҳрат Аббосов бирга бўлиб узоқ ишлаб, «Муҳаббат драмаси» сценарийсини ёзишган. 1971 йили у фильмга айланди. Шунда камини «Правда Востока» газетасига тақриз ёзган эдим. Унда асар ҳақида икжобий фикр айтилиб, экранлаштириш санъати ривожини учун хизмат қилиши қайди қилинганди. Муаллифлар «Уфи» романининг биргина лавҳасини олиб, қолга эпизодларини яратинди тасавуруларга эрк бериб, ни тохоблар орасида машҳур бўлган асарининг руҳини, поэтиксини янги бадиий воқеалар, экранб мураккаб образлар орқали томошабинга етказишга интилянишлариди, бу иланишлариди Ф. Достоевскийнинг эпик ва драматик шаклдаги асарлар ўртасида тафовутлар мавжудлиги ҳақида айтган фикрларини ёзда тутганлиқари айтилганди. Бунга қараганки, шундай соддагина, лекин аниқ фактларга асосланган фикр-мулоҳазалар республика партия ташкилотининг ўша вақтдаги раҳбариди қаҳр-ғазаб уйғотибди. Республика Кинематографчилар союзининг биринчи секретари С. Мўхаммедовнинг бизга расман етказишича барча соҳада, жумладан, кино ва унинг назарияси соҳаларида ҳам ўзини мутахассис деб билган раҳбар катта мажлисга «Правда Востока» газетасининг ўша тақриз боқилган сонини даргазаб бўлиб кўтариб кирибди ва ганин шундан боқилди. «Бунга қараган, Саид Аҳмад билан тенглаштиришти!» Газета ва тақризнининг фильм ҳақидаги фикри ва МК фикри бир-бирини эди...» дебди у.

Кўридаги каби ҳолларни 80-йилларда яратилган баъзи фильмлар мисолида ҳам кўриш мўкин. 1980 йили VI Халқаро Тошкент кинофестивали экранига студиямиз Э. Ошмухамедовнинг «Ажойиб йилларимиз» фильмининг тақдим этмоқчи бўлди. «Узбекфильм»нинг бадиий кенгаши аъзолари фильмга юқори баҳо бердилар. Анкуман кулларни уч қитъа кинематографчилари диққатига ҳавола этишга арзигудек асар пайдо бўлганидан хурсанд эдик. Лекин студия бадиий кенгашининг фикри билан ҳеч қим ҳисоблашмади. Раҳбарлардан бирига фильм маъқул бўлмади. У дарҳол фестивал программасидан олиб ташланди. Бугина эмас. Кинофильм категориясига (яъни унинг санъатий белгилашида) наст баҳо қўйилди... Бу ҳол истеъдодли режиссёр Э. Эпистига, икжобий соқонин, кино аҳлини жуда ранжитди. Долзар мавзуда яратилган ажойиб фильмга нисбатан бундай муносабатдан ҳайратан келган жамоатчилик адолат тантана қилишини сабр-сизлик билан кутди... Аллақанча вақт ўтиб, бу ишга Ч. Айтматов аралашганидан кейин, энг мўҳими, фильм томошабинларда катта қизиқти уйғотганидан сўнг, унга олиий даража (категория) берилди.

Яна бир мисол. А. Қамровнинг «Ҳамиша ёдимдасан» фильмининг апаратда юқори лавозимини эгаллаб турган худди ўша шахста маъқул бўлмагани сабабли узоқ вақт жамоатчиликка кўрсатилмади. Фильм атрофида шовиш-шувалар юрди. Фақат А. Қамровнинг фаолияти тўғрисида фильм бир марта Киночилар уйдаи тоғ доира эътиборига ҳавола қилинди. Асарини барча ёқлаб чиқиди, лекин аҳвол ўгармади. Уни

